

РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ
ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

4

МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИ
ҚАЙСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАСИДА УҚИТИЛАДИ?

5

ОММАВИЙ ҚАБУЛ:
УЧ КУНДА
ҚАРИИБ
1,6 МИНГТА
МАСАЛАГА
ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Маҳалла



www.xolisnazar.uz @xolis_nazar @xolisnazar

ШАНБА, 11 ИЮНЬ, 2022 ЙИЛ № 23 (2057)



2-саҳифада.

«МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ» КУКРАК НИШОНИ ТОПШИРИЛДИ

► «САЙЛОВ – 2022»

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ САЙЛОВИ ЯКУНЛАНДИ:

9 349 ТА МАҲАЛЛАДА САЙЛАНҒАН
РАИСЛАРНИНГ 94,5 ФОИЗИ ОЛИЙ
МАЪЛУМОТЛИ, 67,1 ФОИЗИ БИРИНЧИ
МАРОТАБА БУ ЛАВОЗИМДА ИШ БОШЛАЙДИ



2-саҳифада.

ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚУЖЖАТЛАР ТАСДИҚЛАНДИ



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ АҲОЛИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҚУМАҚДОШИГА АЙЛАНЯПТИ

7



6



МУЗЕЙЛАР МИЛЛАТИМИЗ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ КЎЗГУСИ

8



Қабуллар давомида ечими
топилган масалалар
мавзусио йўналиши турфа,
бирок уларнинг замирида
бир ҳаётини ҳақиқат —
мамлакатимизда яшаётган
ҳар бир фуқаронинг
ҳуқуқ-эркинликлари ва
қонуний манфаатларини
таъминлаш, адолатни
қарор топтириш йўлидаги
эзгу саяҳ-ҳаракатлар
муҳасам.

3-саҳифада.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЎРНИГА НАҚД ПУЛ

Иккинчи жаҳон
уруши қатнашчилари,
фахрийларига ҳар
ойда БҲМнинг
1 баравари (300 минг
сўм) қўшимча тўлов
ва ҳар йили август
ойида БҲМнинг
15 баравари
(4 млн. 500 минг
сўм) компенсация
берилади.

3-саҳифада.

«МЕХНАТ ФАХРИЙСИ» КЎКРАК НИШОНИ ТОПШИРИЛДИ

Биз ҳар бир ишда катталар маслағига таянадиган, кичик бир оилавий зиёфатдан тортиб, тўйларгача давраларимиз тўрини нуронийларимиз тасаввур эта олмайдиган миллат вакилларимиз. Шундай экан, кексаларга бўлган чексиз ҳурматимиз, улар олдидаги битмас-туганмас фарзандлик бурчимиз бизни улар дуосини олишга, уларни рози қилишга ундайверади. Бунинг яна бир ҳикмати шундаки, фарзандларимиз ўз-ўзидан бу анъананинг давомчиларига айланиб, кексалар дуосининг олтиндан қиммат эканини англаб боришади. Шунинг учун элимиз, юртимиз кексалар дуоси билан яшнаймайверади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 июлдаги «Мехнат фахрийси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизнинг иқтисодий, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ҳамда бошқа соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юртдошларимиз, шунингдек, ишламайдиган, ҳаётини оилалар мустақамлигини сақлаш, фарзандларимизни жамият олдида масъулият, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга, катталарга ва ёш авлод вакилларига ҳурмат, она-Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига бағишлаган, жамиятимизда обрў ва эътибор қозонган оналарни тақдирлаш эзгу анъанага айланиб бораётди.

Жорий йилда Бухоро вилояти бўйича жами 74 нафар кекса авлод вакили кўкрагини ушбу юксак нишон бегади.

Куни кеча вилоят ҳокимлигида бир гуруҳ нуронийларни «Мехнат фахрийси» кўкрак нишонини билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, олимлар, маданият тарғиботчилари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда нуронийларга давлат ва жамият томонидан ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш, отахону онахонларимизнинг кўп йиллик хизматини муносиб тақдирлашга доир қатор эзгу ишлар амалга оширилаётгани ҳақида сўз борди. Юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасида кекса ва нуронийларимиз ҳаёти фаровонлашиб, келажакка ишончи ортиб бораётгани таъкидланди.

Тантанали маросимда I, II, III даражали «Мехнат фахрийси» нишонлари ва пул мукофотлари ўз эгаларига топширилди.

— Ҳар ким кексайганда умр бўйи қилган меҳнатлари роҳатини кўрсин экан, — дейди I даражали «Мехнат фахрийси» кўкрак нишонини соҳиби, Бухоро давлат университети профессори Сулаймон Иноятов. — Кишининг кўн-



гли кўтарилиб, руҳи тетиклашади. Юртимизда биз, нуронийлар мана шундай бахтга муяссар бўлаётганимиздан беҳад мамнунимиз. Бундан кейин ҳам бар билим ва тажрибамизни ёшларга ўргатишдан чарчамаймиз.

Шубҳасиз, ҳар бир меҳнат ўзининг муносиб баҳосини олади. Йиллар давомида элга хизмат қилган, эндиликда бой меҳнат тажрибаси, ҳаётини ҳикматлари билан жамият

тараққиётига ҳисса қўшаётган инсонларнинг «Мехнат фахрийси» кўкрак нишонини билан тақдирланиши нуронийларга бўлган юксак эҳтиромнинг муносиб намунаси.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири Т.Худайбергенов иштирок этди.

Мухбиримиз.

► «САЙЛОВ — 2022»

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ САЙЛОВИ ЯКУНЛАНДИ:

9 349 ТА МАҲАЛЛАДА САЙЛАНГАН РАИСЛАРНИНГ 94,5 ФОИЗИ ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ,
67,1 ФОИЗИ БИРИНЧИ МАРОТАБА БУ ЛАВОЗИМДА ИШ БОШЛАЙДИ

Юртимизда Олий Мажлис Сенатининг 2022 йил 16 мартдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган Тадбирлар режаси асосида жорий йилнинг 16 майдан 3 июнига қадар маҳалла раислари сайлови ўтказилди. Айтиш керакки, бу жараёнда 9 349 та маҳаллада янги раислар сайланди.



Маҳалла раислари сайлови — мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқелик саналади. Зеро, мазкур сайлов шунчаки ўзини ўзи бошқариш институти борлиги ёки жамиятда демократия тамойиллари устуворлигини кўз-кўз этувчи кампания эмас, балки жамиятнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий юксалишини белгилувчи муҳим имтиҳондир. Албатта, янги жамиятни эски мезонлар, эски қоидалар ва қоидалар билан қуриб бўлмайди. Шу боис бу йилги жараёнлар сайлов тартиб-қоидалари янада такомиллаштирилган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ташкил этилди.

Тан олиш керак, авваллари маҳалла раиси сайловига одамларда қандайдир бефарқлик кайфияти бўларди. Нега деганда, раисларда арзимаган муаммони ҳал этиш учун ҳам на ваколат, на имконият бўлган. Ҳозир эса уларга ваколат ҳам, имконият ҳам, керак бўлса, маблағ ҳам ажратилапти. Бу жиҳатни одамларимиз тушуниб, сайлов жараёнида номзодларга нисбатан талабчанлик билан муносабатда бўлди.

Якуний натижаларга кўра, 9 349 та маҳаллада ўтказилган жараёнларда аҳоли вакиллари ўзлари муносиб деб топган, халқ дарди билан яшайдиган, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларга оқилона ечим

топиб, халқ ва давлат юмушларига барчани сафарбар эта оладиган, ҳар жиҳатдан салоҳиятли номзодларга овоз беришди. Шунга кўра:

► **сайланган раисларнинг 67,1 фоизи (2019 йилда — 55,9 фоиз) — биринчи маротаба, 32,9 фоизи (2019 й. — 44,1 фоиз) — амалдаги раисларни ташкил этади;**

► **сифат таркибига эътибор берилса, 8 минг 832 нафари олий маълумотли — 94,5 фоиз (2019 й. — 57,6 фоиз), 509 нафари ўрта-маҳсус — 5,4 фоиз (2019 й. — 39,8 фоиз) ҳамда 8 нафари ўрта маълумотли — 0,1 фоиз (2019 й. — 2,6 фоиз);**

► **мутахассислигига кўра, 33,2 фоизи — ўқитувчи, 14,2 фоизи — иқтисодчи, 15,6 фоизи — муҳандис, 6,1 фоизи — агроном, 4,6 фоизи — ҳуқуқшунос, 0,8 фоизи — шифокор, 25,5 фоизи — бошқалар;**

► **ёш тоифасига кўра, 40 ёшгача бўлганлар — 20,8 фоиз, 40-50 ёшдагилар — 30,5 фоиз, 50-60 ёшдагилар — 37,7 фоиз ҳамда 60 ёшдан юқори бўлганлар — 11 фоизни ташкил этди.**

Эътиборлиси, сайланган раисларнинг **1 104 нафари аёллар — 11,8 фоизи (2019 й. — 8,9 фоиз), 274 нафари маҳаллий Кенгашлар депутатлари — 2,9 фоизи (2019 й. — 1,8 фоизи) саналади.**

Яна бир муҳим жиҳат — сайланган **509 нафар ўрта-маҳсус ва 8 нафар ўрта маълумотли маҳалла ра-**

исларини олий таълим муассасаларида сиртки таълим шаклида ўқитиш Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги 3-сон қарори асосида ташкил этилди.

Айтиш керакки, жорий йилда яна бир эзгу анъанага қўл урилди. Яъни маҳалла тизимида узоқ йиллар ишлаган, бироқ бу галги сайловларда сайланмаган амалдаги раислар учун аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги самарали меҳнатлари инobatта олиниб, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари, секторлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида **эъзоз ва эътибор** тадбирлари ташкил этилди. Бу жараёнларда уларга ташаккурномалар, эсдалик совғалари улашилди.

Эндиликда Олий Мажлис Сенати Кенгаши томонидан тасдиқланган Тадбирлар режасининг сайловдан кейинги учинчи босқичи, яъни маҳалла раисларни ўқитиш, уларнинг билимларини ошириш мақсадида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўқув-режа дастури асосида жорий йилнинг 10 июнидан маҳалла раислари учун семинар тренинглари бошланди.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

МУРОЖААТЛАР АСОСИДА ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК ВА ТАЪИМЛАШ УЧРАГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ДАВЛАТ ҲИМОЯСИГА ОЛИНИБ, УЛАРГА ҲИМОЯ ОРДЕРЛАРИ БЕРИЛДИ.

МАРКАЗИЙ БАНК МАСЪУЛЛАРИ ЎРГАНИШЛАРДАН СЎНГ «АРАБХОНА» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ МАЪМУРИЙ БИНОСИНИ БАРПО ҚИЛИШ УЧУН ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙДИ.

ОММАВИЙ ҚАБУЛ: УЧ КУНДА ҚАРИЙБ 1,6 МИНГТА МАСАЛАГА ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Республика ишчи гуруҳининг навбатдаги манзили Бухоро вилояти бўлди. Бу ерда ўтган оммавий қабулларда Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси масъуллари, Бош прокуратура, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, вазирликлар, кўмиталар ва идоралар раҳбарлари томонидан Пешку туманининг «Янгибозор», Когон шаҳри «Темирийўлчилар», Жондор тумани «Зарафшон» маҳаллаларида очик-жонли мулоқотлар ўтказилди. Унда «Инсон қадри учун» ғояси асосида аҳоли муурожаатлари ўрганилди.

Қабуллар давомида ечими топилган масалалар мавзусида йўналиши турфа, бироқ уларнинг замирида бир ҳаётий ҳақиқат — мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, адолатли қарор топтириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар мужассам.

Масалан, Бош прокуратура масъуллари гиждунлик 70 ёшли таълим фахрийси Анна Гилёванинг муурожаатини жойига чиқиб ўргангач, масала ҳал қилинди. Ёшлигида Бухорога кўчиб келган, Гиждунда улгайиб, бир умр муаллимлик қилган Анна момога маданий мерос объекти сифатида олинган ихчамгина уйчаси ўрнига Гиждун тумани «Гулистон» маҳалласидан эгаллик ҳуқуқи асосида уй-жой ажратилиши таъминланди, янги хонадон калити топширилди.

Президентимиз асос солган халқ билан мулоқот тизими боис бухоролик Ҳожиакбар Атоев, когонлик Содиқжон Нуоров, гиждунлик Ашраф Қиличев, қоракўллик Хуршид Ҳожикуловлар аввал ички ишлар тизимида турли вазифаларда хизмат қилган: бири майор, иккиси катта лейтенант, яна бири кичик сержант бўлган. Суд ҳужжатларини ўқирканмиз, 2008-2016 йилларда улар етарлича факт-исботларсиз, далиллар мажмуи билан тасдиқланмаган кўрсатмалар асосида ишдан четлатилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Оммавий қабуллардаги муурожаатларидан сўнг Ички ишлар вазирлигининг ҳулосаси асосида бу тўрт инсоннинг барчаси яна ички ишлар тизимига ишга тикланди. Орадаги узил-ишлар хизмат муддатларига қўшилди.

Бош прокуратура, Ички ишлар ва Олий суд масъулларига муурожаатлардан сўнг айбига икром қилмишига минг пушаймон бўлган бир қатор шахслар муддатидан аввал жазодан шартли озод қилинди. Хусусан, Когон туманидаги жазони ижро этиш колониясида ташкил қилинган очик суд ишида 29 нафар маҳкум манзил колониясига ўтказилди, бир нафар маҳкумнинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилиб, муддатидан илгари шартли озод қилинди.

Муурожаатлар асосида оилавий зўравонлик ва таълим учраган бир қатор хотин-қизлар давлат ҳимоясига олинди, уларга ҳимоя ордерлари берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 10 дан зиёд оилалар фарзандларига фуқаролик паспортлари топширилди. Бухоро шаҳрида яшовчи Камол Ҳусеновнинг кредит қарздорлиги ички имкониятлар ҳисобидан биратўла қоплаб берилди.

Қабулларда кўплаб тадбиркорларнинг муаммоси ҳал қилинди. Бир мисол: Марказий банк ва Мактабгача таълим вазирлиги масъуллари билан мулоқотлар асосида тадбиркор Кимё Ёдгоровга Когон туманида 150 ўринли нодавлат мактабгача таълим ташкилоти барпо қилиш учун ажратилган кредитнинг имтиёзли даври яна бир йилга узайтириб берилди. Натижада тадбиркор фаолиятини давом эттириш имконига эга бўлди.



Боқувчисини йўқотгач уч фарзандини ёлғиз ўзи улғайтираётган пешкулик Шахло Очиловага субсидия асосида иссиқхона қуриб бериладиган бўлди. Асли касби ҳисобчи бўлган ва бир муддат ишсиз қолган пешкулик Сайёра Уланова эса туман почта алоқаси, когонлик Садоқат Фаттоева Когон шаҳар фавкуллода вазиятлар бўлимига ишга қабул қилинди. Яна бир муурожаатчи жондорлик Зарина Боқиеванинг отаси хорижда меҳнат қилаётган бўлиб, айна пайт оғир хасталикка чалинган. Бугунги муурожаати асосида унинг отаси Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги жамғармаси ҳисобидан мамлакатимизга олиб келинадиган ва саломатлиги тикландиган бўлди.

Мулоқотлар давомида Олий ва ўрта маҳсул таълим вазирлиги масъулларига муурожаатлардан сўнг ижтимоий ҳимояга муҳтож кўплаб оилаларнинг талаба фарзандларига амалий кўмак кўрсатилдики, бунда ҳал қилинган ҳар бир масалани келажакка киритилган сармоя, дейиш мумкин. Масалан, оғир ижтимоий аҳволдаги пешкулик Зуҳро Бердиева муурожаати асосида унинг Бухоро муҳандислик-технология институти талабаси бўлган ўғли Достон Истамовга контракт тўловининг ярми тўлаб берилиши белгиланди.

Пешкулик оқсоқол Салом Файзиев Автомобиль йўллари қўмитаси масъулларидан ўзи яшаётган Хулбор қишлоғидан ўтвучи 1,5 км. магистраль йўлни таъмирлашда амалий ёрдам сўради. Бу муурожаат жойига чиқиб ўрганилгач, келгуси йил дастурига киритилиб, ижобий ҳал қилинадиган бўлди.

Сув хўжалиги вазирлиги масъулларига муурожаатлар асосида Когон тумани Қизилгул қишлоғида яшовчи Комил Ҳусенов аризаси жойига чиқиб ўрганилгач, қишлоқдан ўтвучи 2 километр зовурни тозалашга киришилди. Бунинг натижасида аҳоли томорқалари ва фермер хўжалиқларига тегишли 250 гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Сизот сувлари сатҳи 1,6 метрдан 2,2 метрга пасайиб, ҳосилдорлик ошади.

Қабуллардан сўнг қатор муурожаатлар жойига чиқиб ўрганилди, маҳаллаларда, хо-

надонларда кечган мулоқотлар асосида қатор масалалар ечими бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди. Айтайлик, Марказий банк масъуллари Шофиркон туманининг Арабхона, Шўробод қишлоқларидаги ўрганишларидан сўнг «Арабхона» маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносини барпо қилиш учун тамал қўйилди. Шофирконнинг Шўробод қишлоғида яшовчи бир гуруҳ муурожаатчи хотин-қизлар яқинда айна шу маҳаллада иш бошлайдиган «Бухоро агро кластер» корхонасига ишга жойлаштирилдиган бўлди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси масъулларининг Когон шаҳри ва Когон тумани маҳаллаларидаги пенсионерлар ҳолидан хабар олгани кўплаб ёши улғу инсонларнинг кўнглини кўтарди. Судьялар олий кенгаши, Олий суд ва ҳудудий судлар масъулларининг Бухоро шаҳридаги Мурувват уйида ўтказган хайрия тадбири катта байрамга айланиб кетди. Муассасадаги 300 нафардан ортик ногиронлиги бўлган хотин-қизлар учун дастурхон ёзилиб, уларга зарур буюмлар, совғалар улашилди, концерт дастури намойиш қилинди.

Олий таълим вазирлиги масъуллари Қоракўл тумани Мурувват уйидаги 300 нафардан зиёд беморлар ҳолидан хабар олди, улар билан мулоқот қилиниб, амалий кўмак кўрсатилди.

Бир сўз билан айтганда, Республика ишчи гуруҳининг Бухоро вилоятидаги уч кунлик оммавий қабулларида қарийб 1 минг 600 та масала кўриб чиқилиб, уларнинг 714 таси жойида ҳал қилинди. 322 нафар муурожаатчига ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилди. Қарийб 560 та масалани ҳал қилиш бўйича аниқ муддат ва масъуллар белгила-ниб, Президент Администрацияси ва Халқ қабулхоналари томонидан назоратга олинди.

Оммавий қабулларда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Маҳалла ва нурунийларни кўллаб-қувватлаш вазири Турсинхан Худайбергенов иштирок этди.

Мансур АБДУСАТТОВ.

БИЛАСИЗМИ?

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЎРНИГА НАҚД ПУЛ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийларига қўшимча тўлов ва компенсация берилади

«Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларининг моддий таъминотини яхшилаш ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни кўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент қарори (ПҚ-274-сон, 08.06.2022 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ:

► 1941–1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларга, шуниингдек, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга бепул етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гигиена товарлари ўрнига ҳар ойда БҲМнинг 1 баравари (300 минг сўм) миқдорига қўшимча тўлов тўлаб борилади;

► 1941–1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларга бепул етказиб бериладиган зарур кийим-кечак ва пойабзаллар ўрнига кийим-кечак ҳариди учун ҳар йили август ойида БҲМнинг 15 баравари (4 млн. 500 минг сўм) миқдорига тўланадиган компенсация жорий этилади.

Бунда қўшимча тўлов Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан пенсияларни ва нафақаларни тайинлашга масъул бўлган ташкилотга ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ёки ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида тақдим этиладиган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Компенсация ва қўшимча тўловлар пенсиялар ва нафақалар тўланадиган тартибда тўланади.

Шуниингдек, қарор билан имтиёзли тоифадаги шахсларга маҳаллий бюджетлар, «Саховат ва кўмак» жамғармаси, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни кўллаб-қувватлаш жамғармаси ва «Аёллар дафтари» рўйхатида киритилган хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда моддий кўмак ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш белгиланди.

МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИ ҚАЙСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ЎҚИТИЛАДИ?



МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАВСИЯНОМАГА ЭГА БЎЛИБ ТУРИБ ҲАМ, КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТИЛМАСА, МАҲАЛЛА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ТАЛАБАЛИККА ТАВСИЯ ЭТИЛМАЙДИ.

Яқин кунларда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига 2022/2023 ўқув йили учун қабул жараёнлари бошланади. Албатта, айтиш керакки, фаоллар назаридан четда қолмайди. Зеро, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори (3-сон, 03.01.2021 й.) билан фуқаролар йиғинлари учун сиртки таълим шаклида кадрлар тайёрлаш тизими жорий этилган.

Хўш, имтиёз асосида кимлар ҳужжат топшириши мумкин? Маҳалла фаолларига қандай талаблар қўйилади? Қайси олийгоҳларда ўқиш имконияти мавжуд?

► МАНЗАРА

«ЙИҒИНИМИЗ ТАРИХИНИ ТИКЛАШ КЕРАК»

Асл мутахассислигим — математика ва информатика фани ўқитувчиси. 27 май куни ўтказилган сайловда аҳоли янги раис сифатида танлаб олишди. Жуда масъулиятли иш. Аввал бир синфдаги 25-30 нафар болалар билан ишлаган бўлсам, энди бутун маҳалламиз фуқароларига бошчилик қилишим керак. Аммо юкланган вазифани тўқис адо этиш учун бор кучим билан ҳаракат қиламан.

Белгилаб олган вазифаларимиз бор. Аввало, маҳалламизга янги бино қуриш керак. Ҳозирда собиқ иттифоқ даврида қурилган фельдшерлик пунктнинг нураб бораётган учта хонасида турамиз. Хоналар тор, аҳоли билан ишлаш, ҳужжатларни ишончли сақлашда муаммоларга дуч келишимиз тайин. Аҳолини йиғиб, бирор каттароқ тадбир уюштириш учун шароит йўқ. Ҳозир қулайроқ ер қидиряпмиз. Ишни давлат-хусусий шериклик асосида бошлаб юбориш учун бир неча жойларни

ТЎЛОВ-КОНТРАКТ ШАКЛИДА ЎҚИТИЛАДИ

Айтиш керакки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун сиртки таълим шакли доирасида ўқитиш тўлов-контракт асосида ташкил этилади. Кадрлар тайёрлаш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик адабиётларни ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Миллий университети таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади. Ҳар йили 1 мартга қадар маҳаллалардаги кадрларга бўлган жорий ва истикболдаги эҳтиёж тўлиқ таҳлил қилинади ҳамда асосланган тартибда тақдирланади. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазириликнинг тақдир этилади.

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирилик томонидан берилган тавсияномага эга бўлган ҳамда кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари белгиланган тар-

тибда талабалikka тавсия этилади.

Тавсиянома бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади. Тавсиянома асосида ўқийётган талабалар ўқишини бошқа бакалаврият таълим йўналишига кўчиришга рухсат берилмайди.

ТАВСИЯНОМА КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларига тавсияномалар бериш вазирилик томонидан қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

► эгаллаб турган лавозимида сўнгги бир йил давомида фаолият юритаётгани;

- маҳалла тизимида камида уч йиллик иш стажига эга бўлгани;
- фаолият юритаётган фуқаролар йиғини рейтинг кўрсаткичи бўйича «намунали» деб топилгани;
- вилоят, туман (шаҳар) маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармалари, бўлимлари томонидан ижобий тавсифлангани;
- халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан иш фаолияти ижобий деб баҳолангани;
- интизомий жазо чораси қўлланилмагани.

ШУНЧАКИ «ИМТИЁЗ» ЭМАС...

Маҳалла ходимларининг сиртки таълим шаклида ўқиши имтиёз ўлароқ баҳоланган бўлса-да, аслида, қатор талаблари борки, исталган ходим исталган Олий таълим муассасаларига кира олмайди.

Мисол учун, берилаётган имтиёз барча Олий таълим муассасаларига ўтмайди, қолаверса, барча йўналишларга нисбатан ҳам татбиқ этилмайди. Яъни маҳалла ходимлари учун педагогика ва молия-иқтисод соҳаларидаги Олий таълим муассасаларида фақат «5520100 – Ижтимоий иш» (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича) бакалаврият таълим йўналишида сиртки ўқиш имконияти берилган.

Масалан, бундай йўналиш Ўзбекистон Миллий университети, ЎзМУнинг Жиззах филиали, Андижон давлат университети, Бухоро давлат университети, Гулистон давлат университети, Қорақалпоқ давлат университети, Қарши давлат университети, Наманган давлат университети, Самарқанд давлат университети, Термиз давлат университети, Фарғона давлат университети, Навоий давлат педагогика институти, Чирчиқ давлат педагогика институтларида мавжуд.

Бундан ташқари, ушбу йўналишга имтиёзли равишда қабул қилинган маҳалла ходимларининг ўқишини бошқа йўналишга кў-

чиришига рухсат берилмайди.

Шунингдек, бу — маҳалла ходимлари (ҳатто тавсиянома олганлари ҳам) ўқишга тўғридан-тўғри қабул қилинади, дегани эмас. Бошқача айтганда, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирилик томонидан берилган тавсияномага эга бўлиб туриб ҳам, кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтилмаса, маҳалла органлари ходимлари талабалikka тавсия этилмайди.

Қолаверса, тавсиянома сўраб муурожаат қилган ҳар бир маҳалла ходими тавсияномали бўлиб қолмайди. Яъни юқорида тавсиянома олишнинг, юқорида қайд этилганидек, белгиланган мезонлари бор. Фақат уларга тўғри келган ходимларгагина тавсиянома берилади.

2021 ЙИЛДА 503 НАФАР ХОДИМГА ТАВСИЯНОМА БЕРИЛДИ

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирилик маълумотига кўра, 2021 йилда тавсиянома олиш учун 1 минг 219 та ариза келиб тушган. Аризалар вазириликда тузилган ишчи гуруҳ томонидан ўрганилиб, 716 нафар номзоднинг ҳужжатлари тегишли мезонларга тўғри келгани учун тавсиянома бериш рад этилган.

Хусусан, 569 нафар номзоднинг фаолият юритаётган маҳалла фуқаролар йиғини рейтинг намунали эмас, 105 нафар номзоднинг маҳалла тизимида иш стажы етарли эмас, 6 нафар номзод эгаллаб турган лавозимида 1 йил тўлмаган, 36 нафари турли сабабларга кўра (бўлим ходимлари, номзоднинг тегишли ҳужжатлари тўлиқ этилмаган, фуқаролар йиғини рейтинг кўрсаткичи мавжуд эмас) рад этилди.

Жами 503 нафар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларига тавсияномалар берилди.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.



ривоятлар, афсоналар, тарихий фактлар бор. Аммо ўсиб келаётган ёшлар буларнинг бирортасини билмайди. Тарихсиз келажак йўқ. Тарихсиз маънавият бўлмайди. Демак, маҳаллий зиёлилар, тарихчилар билан ҳамкорликда худудимиз

тарихдан сўзловчи битта китоб яратилишимиз керак.

Сайфиддин ТИЛЛАЕВ,
Учкўприк туманидаги
«Ҳасанқора» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.

ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУЖЖАТЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Мамлакатимизда 2022 йилнинг «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб эълон қилиниши ортидан маҳалла тизимига янада катта эътибор қаратилиши кутилган. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида маҳалла ислохотларига доир вазифалар аниқ белгиланган эди. Чиндан ҳам жорий йил барча маҳаллаларда туб ўзгаришлар йили бўлмоқда.

Кунин кеча тизим фаолиятини тартибга солувчи Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шу асосида вазирлик ҳузурида бюджетдан ташқари «Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармаси ташкил этилди.

Бу орқали бугунги ўзгаришларга ҳамроҳанг тарзда «Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисида»ги ва «Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармаси тўғрисида»ги Низомлар ҳам тасдиқланди.

Вазирлик тўғрисидаги Низомга асосан, унинг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, вазирлик тизими, унинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифалари ва функциялари, марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги, раҳбар ва ходимларнинг асосий функционал вазифалари ҳамда жавобгарлиги, молиялаштириш, шунингдек, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби белгиланди.

Шунингдек, бугунгача аниқ жавобни талаб қилувчи саволга ҳам ойдинлик киритилди. Унга кўра, вазирликка маҳаллалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг



ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, маҳаллаларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, аҳоли кундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқеини юксалтириш каби вазифалар юкланди.

Қолаверса, нуруний ва кексаларни маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик ва раҳмдиллик сингари аънаналарни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга кенг жалб этиш, нуруний ва кексаларни қўллаб-қувватлаш соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларининг ижроси, шу жум-

“**БУ ҚАРОР ИЖРОГА КИРИШИ БИЛАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИДАГИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ Тўғрисида»ги 2020 йил 15 апрелдаги қарори ўз кучини йўқотди.**

ладан, ҳудудларда, айниқса, олис қишлоқларда кекса авлод вакилларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириб бориш алоҳида таъкидланган.

Шу билан бирга, вазирлик ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда ҳал этиш чораларини кўриш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга масъул идора ҳисобланади.

«Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармаси тўғрисидаги Низомга кўра, жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ва вазирлик томонидан жамғармага маблағлар тушишининг тўлиқлигини назорат қилиш тартиби, маблағлардан фойдаланиш йўналишлари, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири томонидан жамғарма маблағларини бошқариш ва тақсимлаш тартиби ишлаб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу қарор ижрога кириши билан Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2020 йил 15 апрелдаги қарори ўз кучини йўқотди.

Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари маҳалла раислари томонидан маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспекторлари фаолияти ҳудуддаги биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартафоз этишга йўналтирилишини таъминлайди.

Бу борада жамоатчилик назорати ўрнатилишини, улар фаолиятини баҳолаш ҳамда натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ахборот, шунингдек, уларни рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича мазкур ходимларнинг юқори турувчи ташкилотларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиб борилишини ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, юқоридаги қарор асосида вазирликнинг вазифа ва функциялари белгилаб берилди.

Наврўз МУСАЕВ,
Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи.

▶ ҲОЛАТ

«ЗАМОНАВИЙ ГУЗАР БАРПО ЭТИШ НИЯТИДАМАН»

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги «Завқий» маҳалла фуқаролар йиғинида жорий йил 21 май кунини фуқаролар йиғини раиси сайлови бўлиб ўтди. Унда 3 нафар номзод илгари сурилди. Маҳаллада истиқомат қилувчи 562 хонадон номидан сайловда 180 нафар вакил иштирок этди. Ёпиқ овоз бериш натижаларига кўра, энг кўп овоз билан ғолиб бўлдим.

С айлов очик ва ошкоралик асосида адолатли ташкил этилганини маҳалладошларимиз алоҳида тасдиқлашди. Шу ўринда айтиш керакки, маҳалла раислиги лавозим эмас, масъулиятдир. Келинг, шу ўринда ҳудудимиздаги кўпдан бери ечимини топмаётган муаммоларга тўхталсам. Ростки, бу каби муаммолар маҳалладошларим қаторида мени ҳам қийнаб келарди. Масалан, шу пайтгача маҳалламиз ҳудудда гузар, маҳалланинг ўз хизмат биноси йўқлиги боис фуқаролар сарсон бўларди. Сайловолди дастурида айнан шу муаммони биринчи ҳал этиладиган

масала сифатида қайд этганман. Насиб қилса, маҳаллада янги типда, замонавий гузар барпо этиш ниятидаман. «Завқий» маҳалласида 2 минг 293 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг турли қатламлари билан алоҳида ишлаш маҳалла раисининг вазифаси. Мана шу жиҳатга эътибор қаратиб, қурилиши режалаштирилган маҳалла гузариди аёллар учун тикувчилик цехи, ўсмирлар ва болалар учун спорт майдончаси, нурунийлар учун дам олиш маскани, қолаверса, тиббий пункт, маҳалла нозири хонасини ташкил этамиз. Яна бир муаммо — кўп йиллардан бери туманимиз сув танқислигидан азият чекади. Жорий йилда туманимизда Президент топшириғига кўра, «Оқсув — Деҳқонобод» лойиҳаси амалга

оширилмоқда. Унга кўра, узунлиги 77 километр, диаметри 1-4 метр бўлган магистраль сув қувури тортилмоқда. Шу қатори бизнинг маҳалламиз ҳам насиб этса, сув муаммосидан қутилади. Ана шу ичимлик сувини ҳар бир хонадонга етиб боришини таъминлаш ҳаракатидаман. Бир сўз билан айтганда, ичимлик сувини тизимлаштиришни режа қилганмиз. Экин ҳамда суғориладиган ерлар учун оқова сув чиқариш режамизда бор. Бугунги кунга келиб маҳалламизда 2 та давлат-хусусий шерикчилиги асосида мактабгача таълим муассасаси фаолият олиб боради. Бироқ маҳалланинг мактабгача ёшдаги болаларини улар тўлиқ қамраб ололмайди. Шунинг учун янги типдаги замонавий боғчага эҳтиёжимиз бор. Келгусида мана шу

каби аҳолимиз хоҳиш ва иродасини рўёбга чиқаришга бор кучимни сафарбар этаман.

Деҳқонобод туманидаги «Завқий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуғани ПАНЖИЕВнинг фикрларини Дилсўз ЭШҚОБИЛОВА ёзиб олди.

ЭЪЛОН

Тойиров Абдумалик Ақром ўғлига 2012 йилда Тошкент шахар Юнусобод туманидаги Тошкент туризм касб-хунара коллежи (ҳозирги Тошкент туризм ва сервис коллежи) томонидан берилган К №2712993 (Рег. №5750) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

АЗАМАТ АВАЗОВ ХОНАДОНИДА ВАШИНГТОН ПАЛМАСИ, АРЧА ЕТИШТИРЯПТИ, ИССИҚХОНАДАН ДАРОМАД ОЛМОҚДА.

1-ЧОРАК ЯКУНИ БЎЙИЧА ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАТИЖА КЎРСАТГАНЛАРИНИНГ 20 НАФАРИ МИЛЛИЙ КАДРЛАР ЗАХИРАСИГА КИРИТИЛДИ.

Ҳоким ёрдамчилари, биринчи галда, халқ розилигини, Президент билдирган ишонччи ҳис этишлари керак. Энди уларнинг фаолиятига берилган баҳо ислохотларга берилган баҳо сифатида қаралади. Шу маънода бугун Сурхондарё вилоятида «маҳаллабай» ишлаш тизими ва ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этишга жиддий ва масъулиятли қаралмоқда.



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ АҲОЛИНИНГ ҲАҚИҚИЙ КЎМАКДОШИГА АЙЛАНЯПТИ

Масалан, Сариосиё туманидаги 61 нафар ходимларимиз фаолияти самараси аҳоли розилигида кўринаяпти. «Гулбод» маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Муслимбек Азизов бошқаларга ибрат бўлмоқда, дейиш мумкин. Айнан шу мутахассис ташаббуси билан маҳалла фуқароси Ражабали Раҳимов қаровсиз хонадонда бир неча тадбиркорлик тармоқлари ташкил этди. Бу ерда асаларичилик, чорвачилик, балиқчилик, паррандачиликдан яхшигина даромад олиш бошланган. Яна кўшимчасига иссиқхонада лимон кўчатлари парвариш қилинмоқда.

«Ёқутли боғ» маҳалласида ҳам эътиборли натижаларга эришилган. Ҳоким ёрдамчиси кўмағида Азамат Авазов хонадониди Вашингтон палмаси, арча етиштиряпти, иссиқхонадан даромад олмоқда. Вилоятда 721 нафар ҳоким ёрдамчилари ҳозиргача 490 мингга хонадонни хатловдан ўтказиб бўлди. 68 минг 629 та турли муаммо ва тақлифлар аниқланди.

Маълумотлар асосида «Йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, 2022 йил давомида 102 та маҳаллада тадбиркорлар томонидан хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилди. Бу учун 429 млн. сўм кредит ажратилди. 135 та корхоналарнинг фаолияти

тикланди, норасмий ишлаётганларни легаллаштириш ҳисобига 5 минг 826 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди, 94 та фойдаланилмасдан турган бўш бинолардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди.

Қиймати 248,5 млрд. сўмлик 115 та инвестиция лойиҳалари, 7 млрд. сўмлик 212 та кичик хизмат кўрсатиш лойиҳалари амалга оширилди, 1372 та янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, 24 минг 476 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди, 6 минг 89 нафар тадбиркорнинг муаммоси ҳал этилди. **Натижада** ҳоким ёрдамчиларининг кўмағи билан жорий йил 1 май ҳолатига 75 минг 630 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

«Онлайн маҳалла» платформасига 46 минг 994 нафар фуқародан 1 481 млрд. сўмлик кредит олиш билан боғлиқ ариза келиб тушган бўлса, уларнинг 13 минг 710 тасига **ижобий тавсиянома** берилди. «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури асосида 223 млрд. сўм кредит ажратилди. Шунингдек, 873 нафар (шундан 530 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар) ишсиз фуқарога 2,9 млрд. сўмлик субсидия маблағлари тақсимланди.

Натижада «Темир дафтар»га

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ» ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, 2022 ЙИЛ ДАВОМИДА 102 ТА МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. БУ УЧУН 429 МЛН. СЎМ КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ. 135 ТА КОРХОНАЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ТИКЛАНДИ. НОРАСМИЙ ИШЛАЁТГАНЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ҲИСОБИГА 5 МИНГ 826 НАФАР ФУҚАРОНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ, 94 ТА ФОЙДАЛАНИЛМАСДАН ТУРГАН БЎШ БИНОЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

киритилган 191 та хонадонда ихчам иссиқхоналар қурилди. Бундан ташқари, 5 та йўналишда 67 та ишлаб чиқариш кооперативлари ташкил этилди. Шунингдек, жорий йилнинг 15 май кунига қадар хатловда аниқланган 187 та маҳалладаги 277 та хонадонга 392 та инкубаторлар тарқатилди.

Иш билан банд бўлмаган ёшлар, хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш бўйича **мономарказ ва касб хунарга ўқитиш** марказларига кўшимча 22 та нодавлат таълим ташкилотлари ташкил этилди. Уқиш истаги бўлган 5 минг 995 нафар фуқародан 3 минг 991 нафари ушбу ўқув курсларига жалб этилди.

Вилоятда 5 минг 847 гектар қишлоқ хўжалиги ер майдонлари 28 минг 166 та лотларга бўлиниб, «E-AUKSION» савдо платформаси орқали очик электрон танловга қўйилди. Аукцион натижасига кўра 4 минг 616 гектар ер майдонлари 24 минг 129 нафар фуқарога ажратилди. Бунинг натижасида 24,1 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Айни пайтда «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида озиқ-овқат экинлари экиш ишлари амалга оширилмоқда ҳамда ҳар

бир маҳаллага «Томорқа хизмати» МЧЖлар бириктирилди. «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида туманларда 103 та маҳалла танлаб олинди, 9 та ихтисослашув йўналиши бўйича 76 минг 434 та хонадонлар оилавий тадбиркорликка жалб қилинади.

1-чорак якуни бўйича ҳоким ёрдамчиларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КПИ) таҳлил қилиниб, энг яхши натижа кўрсатганларнинг 20 нафари миллий кадрлар захирасига киритилди. Ҳоким ёрдамчиларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 115 та ҳоким ёрдамчиларига иш ҳақининг аввалги иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлган қисмига 1 345 млн. сўм компенсация тўлаб берилди.

«Маҳаллабай» ишлаш тизими бўлиб, ҳоким ёрдамчилари билан учрашиб, амалга оширилаётган ишлари билан танишяпмиз. Юзага келаётган муаммоларни жойида бартараф этяпмиз.

Шерали ЖЎРАЕВ, Сурхондарё вилояти маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.

▶ МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ШОХОБЧАСИНИ ОЧАМИЗ»

Маҳалламизда сайлов туманда биринчи бўлиб — 16 май куни ўтказилди. Унда тумандаги барча маҳаллалардан вакиллар кузатувчи тариқасида қатнашди. Қоидаларга тўла амал қилишининг намунаси сифатида жараёни ташкил қилишни ўрганиб кетишди. Сайлов натижасига кўра, аҳоли 3 та номзод орасидан менга яна қайта ишонч билдириб, раисликни давом эттиришим учун овоз бердилар.

Албатта, бошқа номзодлар ҳам жуда муносиб инсонлар. Масалан, Нигорахон синглимиз ёш, олий маълумотли, билимдон психолог. Аёллар масалаларида жуда фаол ва ҳаракатчан. Кейинги номзод Раҳмонжон укамиз эса узоқ йиллар тумандаги компьютер технологиялари коллежида директорлик қилган. Уларнинг имкониятларидан маҳалла фаоллари сифатида эзгу ишларимизда фойдаланамиз.

Ҳудудда инфратузулма, иш билан таъминлаш, ободонлаштириш бўйича кўп ишлар ҳал этиб бўлин-

ган. Томорқадан унумли фойдаланиш юзасидан дастурлар, тушунтириш ишлари самара бера бошлаган. Масалан, 2017 йилда битта ҳам иссиқхона йўқ эди. Ҳозирда хонадонларимиздаги иссиқхоналарнинг умумий майдони 2 гектарга яқинлашди. Чорвачилик, асаларичиликни ривожлантириш бўйича кредитлар берилди. Тикув машиналари тарқатилди. «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари» бўйича ишлар тизимли ташкил этилган. Йўллариимизни асфальтлаш Давлат дас-

турлари ва ҳомийлар ёрдамида босқичма-босқич давом этмоқда. Тоза ичимлик суви қувурлари тортилган, янги «подстанциялар» ўрнатилган.

Эндиликда юқоридаги ишларни давом эттирган ҳолда, янги режаларни амалга оширишга бел боғланамиз. Аввало, маҳалла биносида тез тиббий ёрдам шохобчасини очишимиз керак. Шохобча кўшни маҳаллалар билан биргаликда салкам 10 минг нафар аҳолига хизмат қилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлигига хат тайёрляпмиз. Икки қаватли маҳалламиз биносида 3 та катта-катта бўш хонамиз бор. Шуларга алоҳида кириш жойи очиб, мослаштирмоқчимиз. Вазирлик штат ажратса, моддий-техник базани таъминласа бўлди.



Иккинчи масала — маҳалламиз марказини алоҳида режа асосида қайта қуришга тайёрлаш керак. Шунда марказ замонавий тус олиб, канализация тармоқларини тортиш имкони вужудга келади. Бунинг учун ҳозирда ишлаб турган иккита сув қудуғига мноралар ўр-

натиш керак. Мазкур масала бир-икки йилда ҳал бўлишига ҳаракат қиламиз.

Юнусали МАЪМИРОВ, Бувайда туманидаги «Бачқир» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МУЗЕЙЛАР

МИЛЛАТИМИЗ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ КЎЗГУСИ

Дунёда шундай музейлар борки, миллионлаб доллар даромад кўради. Масалан, Париждаги Лувр музейига йилига 11 миллион нафаргача сайёҳ ташриф буюради. Нью-Йоркдаги Метрополитен музейини 7 миллион нафаргача, Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейини 5,5 миллион нафардан ортиқ одам томоша қилади. Албатта, текинга эмас. Луврдаги ажойиботларни кўриш учун 17 евро, бизнинг пулга 200 минг сўмдан ошқроқ тўлаш керак. Метрополитен музейига 25 доллар, Эрмитажга 500 рубль эвазига кириш мумкин. Шу билан бирга, музейлар фақатгина пул топиш эмас, балки тарихий асори-атиқалар, санъат асарларининг ишончли сақланишининг муҳим манбаи ҳамдир. Хўш, бизда-чи, мазкур йўналишда қандай ишлар олиб борилмоқда?

Узбекистондаги қатор музейларга озми-кўпми, томошабинлар келишади. Айниқса, мактаб болалари, талабаларнинг музейга экскурсияга бориши кўп учрайдиган ҳолат.

— Юртимиз музейлари 130 йиллик тарихга эга, — дейди **Ўзбекистон Фанлар академияси матбуот хизмат раҳбари Моҳира Жуманова**. — 1917 йилгача Тошкентдаги биринчи ва ягона музей — Тошкент музейи бўлган. 1917 йилдан кейин турли ихтисосликдаги кенг экспозицияларга эга бўлган музейлар ташкил этила бошлаган. 1918 йил князь Н. Романов саройида унинг мусодара қилинган коллекцияларга эга бўлган Бадий музей (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат музейи), 1921 йилда Эски шаҳар музейи, 1926 йилда Ўзбек эски шаҳар музейи ташкил қилинган. Маданий тараққиёт янги музейлар ташкил қилиш ва мавжуд музейларни қайта жиҳозлаш зарурлигини тақозо этган. Урта Осиё музейининг геология, зоология, ботаника ва антропология бўлимлари, қишлоқ хўжалиги музейи ва ҳайвонот боғи Табиат музейига айлантирилган. Республика кўргазмалари негизда Политехника музейи (1933), Амалий санъат музейи (1937, 1937-91 йилларда Амалий санъат асарлари доимий кўргазмаси) ташкил қилинди, Адабиёт музейи тизимидан 100 дан ортиқ музейлар фаолият юритилмоқда.

Май ойи охирида Президентимизнинг «Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Юртимиздаги музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маркетинг сиёсати ва хизматлар соҳасининг комплекс ривожлантириш, музейларга инновацион технологияларни самарали қўллаш, шунингдек,

музейларда миллатимиз тарихига оид замонавий янги экспозицияларни яратишга йўналтирилган қарор соҳа ходимлари томонидан кўтаринки қарши олинди.

Қарорда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги етакчи музей ҳамда музей-кўриқхоналарнинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва оммалаштириш, моддий-техник базасини бойитиш, реставрация ишлари билан боғлиқ лабораториялар фаолиятини ташкил этиш каби муҳим вазифалар ва уларнинг бажарилиш механизмлари аниқ кўрсатиб берилган.

— 2022-2023 йилларда давлат музейларида ташкил этиладиган кўшимча хизматларнинг манзилли режаси келтирилган бўлиб, унга кўра, ушбу муассасаларда «Музейда тун», «Open Air Fest» каби кўнгулоқлар дастурлар, концерт, томошалар, уста-хунармандларнинг маҳорат дарслари, совсалар ва сувенир дўқони, хунармандлар устaxonаси ва савдо шохобчалари, онлайн дўқонларни ташкил этиш кўзда тутилган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Ойдин Абдуллаева**. — Шунингдек, ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврлари, буюк алломалар ҳаёти ва фаолиятига оид 2022-2024 йилларда янги ташкил этиладиган экспозицияларнинг манзилли режаси келтирилган бўлиб, экспозиция номи, унинг ўтказилиши мuddати ва унга масъул этиб белгиланган ташкилотлар аниқ кўрсатиб ўтилган. Бунда ўзбек халқи тарихининг асосий босқичлари саналган Кишилик тарихидаги Биринчи ва Иккинчи Ренессанс, Тошкент воҳаси моддий маданияти, Шарқ алломаларининг аниқ ва табиий фанлар ривожига қўшган ҳиссаси, Қадимги цивилизация изллари, Ислом юксалган юрт, Илк

ҚАРОРДА ЯНА БИР МУҲИМ НАРСАГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАНКИ, БУ РЕПЛИКАЦИЯ, ЯЪНИ МАЪЛУМОТНИНГ НУСХАСИНИ ЯРАТИШ. ШУНГА БИНОАН, НОЁБ МУЗЕЙ АШЕЛЛАРИ ВА КОЛЛЕКЦИЯЛАРИНИНГ РЕПЛИКАЦИЯЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА УЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА 2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР КЕЛТИРИЛГАН.

давлатчилик куртаклари, Турон ҳарбий санъати каби қизиқарли мавзуларни ёритиш вазифаси белгилаб қўйилган.

Шу билан бир қаторда, 2022-2024 йилларда давлат музейларида ихтисослаштирилган реставрация лабораторияларини ташкил қилишнинг манзилли режаси келтирилган бўлиб, ҳар бир музейда унинг профессионал хусусиятидан келиб чиқиб, муайян соҳалардаги лабораторияларни ташкил этиш вазифаси қўйилган. Бунда археология ва этнография ашёлари лабораторияси, тасвирий санъат лабораторияси, халқ амалий санъати лабораторияси, ёғоч ва металл буюмлар лабораторияси кабиларни ташкил этиб, фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Қарорда яна бир муҳим нарсасига эътибор қаратилганки, бу репликация, яъни маълумотнинг нусхасини яратиш. Шунга биноан, ноёб музей ашёлари ва коллекцияларининг репликацияларини тайёрлаш ҳамда уларни реализация қилиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар келтирилган. Унга кўра, турли йилларда нусхаси яратилган асарларнинг сони ва репликация жараёнига жалб этиладиган масъуллар рўйхати аниқ кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, музейлар соҳасида халқаро ҳамкорликни кен-

гайтириш ва ривожлантириш режаси муҳим вазифалардан бири сифатида қарордан жой олган. Унда давлат музейларида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш тавсия этилаётган хорижий музейлар ва халқаро ташкилотларнинг номи келтирилган бўлиб, уларнинг орасида Мустақил музейлар ассоциацияси (Буюк Британия), Америка музейлари иттифоқи (АҚШ), Британия музей дўстлари ассоциацияси (Буюк Британия), Ирландия музейлар ассоциацияси (Ирландия), Музейлар компьютер тармоғи (АҚШ), Музейлар компьютер гуруҳи (Буюк Британия), Тўпқопи саройи музей кутубхонаси (Туркия), Консервация институти (Италия) каби нуфузли муассасаларнинг номлари келтирилган.

Президент қарорининг яна бир қимматли жиҳати шундаки, унда 2023-2026 йилларда музейлаштирилаётган археология ёдгорликларининг манзилли режаси тасдиқланди. Ушбу режага биноан, Далварзинтепа, Мингтепа, Чилонзор оқтепаси, Шероққалъа, Кўйқирилган қалъа, Нур қалъаси, Қадимги Поп, Қалиятепа, Қоратепа, Қува шаҳристони, Ақчахан қалъа, Пойкент, Юнусобод оқтепаси, Қанқа, Авросиёб, Тупроққалъа, Ерқўрғон, Қоратоп тепа каби ноёб археология объектлари аҳоли томонидан ташриф буюриб, томоша

қилиш мумкин бўлган манзилларга айлантирилади.

Археология объектларини музейлаштириш — музей фаолияти ва ёдгорликларини муҳофаза қилиш доирасидаги йўналиш бўлиб, тарих ва маданиятнинг кўчмас ёдгорликларини, шунингдек, табиий объектларни музей экспозицияси объектларига айлантиришдан иборат.

Маданий мерос объектларини музей экспозицияси объектга айлантириш жараёни ёдгорликларни ўрганиш, уни консервация ва реставрация қилиш, бадий-меъморий интерьерларни, маданий ва тарихий муҳитни сақлаш ва тиклаш, талқин этишни ўз ичига олади. Бу эса доимий экспозиция ва кўргазмаларни ташкил этиш ва маданий мерос объектларини оммалаштириш имконини беради.

Шубҳасиз, Ўзбекистон бутун жаҳон тамаддуни ривожидида муҳим ўрин тутган давлатдир. Мамлакатимиз тарихи ва маданиятига мансуб маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва уларнинг кадр-қимматини янада ошириш Учунчи Ренессансга пойдевор қўяётган Янги Ўзбекистон учун ўта муҳим масала ҳисобланади. Шундай экан, мазкур қарор соҳа ривож учун ўта муҳим аҳамият касб этади.

Дилнура МАМАСАЙДОВА.

Mahalla

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир **Бахтиёр АБДУСАТТОВРОВ**
«Mahalla» газетаси муҳаррири **Санжар ИСМАТОВ**
Нашр навбатчиси: **Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ**
Саҳифаловчи: **Абдулазиз АҲМЕДОВ**

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 237-56-80, 71 233-10-73.
Қабулхона: 71 233-39-89, 71 237-56-80, 71 233-10-73.
Котибият: 71 233-39-89, 71 237-56-80, 71 233-10-73.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 2 босма табоқ.
4770 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-618 1 2 3 4 5 6
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.